(1878-йил, Бухоро - 1968-йил, Туркия)

Бухородаги жадидчилик харакатининг йирик намояндаси, таникли давлат ва жамоат арбоби, Бухоро Марказий Ижроия комитети (МИК) раиси (1921-йил сентабр - 1922-йил август). Отаси Кори Пўлатхўжа бухоролик савдогар бўлган. У дастлабки тахсилни Бухородаги мадрасада олди ва илк жадид мактабларидан бирини очди. 1908-йил дўсти Хамидхўжа Мехрий билан Туркияда - Истанбулда тахсил олади. 1913-йил Усмон Хўжа Бухорога кайтади ва яна жадед мактаби очади. У 1910-йил тузилган “Тарбияи атфол” махфий ташкилотининг фаол аъзоларидан бўлади.
Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ва унинг укаси Отахўжа (1894-1938) ёш бухороликлар партиясининг йирик намояндаларидан эди. Колесовнинг Бухорога боскинидан сўнг (1918-й, март) У. Пўлатхўжаев совет Туркистонига мухожирликка кетишга мажбур бўлади. 1918-йил апрелда у Тошкентда ёш бухороликларнинг сўл эсерлар гурухини тузди. 1920-йил февралда У. Пўлатхўжаев инкилобчи ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюросининг аъзоси бўлиб сайланади.
Усмон Хўжа БХСР тузилгач, молия нозири (1920), давлат назорати нозири (1921), БХСР МИКнинг биринчи раиси каби лавозимларда ишлади. У Бухоро Халк Республикасидан боскинчи кизил аскар кўшинларини олиб кетилиши, Бухоронинг хакикий мустакиллиги учун курашади. 1921-йил декабрда У. Пўлатхўжаев Шаркий Бухорода (Душанбе атрофида) истиклолчилар сафига ўтади ва 1922-йил Афгонистонга ўтиб, Бухоро Республикасининг мустакил миллий армияси учун замонавий куроллар сотиб олишга харакат килади.
Пўлатхўжаев мухожирликда Афгонистон, Полша, Эрон ва Туркияда бўлади. У. Пўлатхўжаев энди Туркистон мустакиллиги учун курашни мафкура майдонига кўчиради. 1927-1932-йилларда у Истанбулда “Янги Туркистон” журналини нашр килдирди. У Туркистон тарихига оид кўплаб асарлар муаллифидир.